Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ⊙ № 38 (6. 827) ⊙ 1989 йил 15 февраль, чоршанба ⊙ Баҳоси 3 тийин

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

## МУНОСИБЛАРНИНГ ЭНГ МУНОСИБИ

...Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг мажлислар биноси Ленин ва Ҳамза районларининг меҳнат коллективлари вакиллари билан тўлиб бўлган эди. Йиғилишни белгиланган вақтда 507-Тошкент—Ленин территориал сайлов округи комиссиясининг раиси Э. В. Югай очди.

Тўпланганлар 14 номзоддан муносибини танлаш қанчалик масъулиятли эканини ҳис қилиб турардилар.

«Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари Юрий Иванович Степаненко биринчи бўлиб сўзга чиқди. Унинг 30 йиллик меҳнат фаолияти шу корхонада ўтди. Ю. Степаненко III ва II даражали Меҳнат шуҳрати орденлари нишондори. Ташсельмашчилардан ташқари яна Ҳамза районининг 12 меҳнат коллективи Степаненко номзодини СССР халқ депутатлигига кўрсатганди.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат коллективи ҳисобот-сайлов конференциясининг 1989 йил 6 январдаги қарори билан мазкур корхона бош директори Р. Р. Содиқов СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган эди. Расул Ғаниевич ўзига берилган бундай ишонч учун коллективига миннатдорчилик билдириб, номзодини овозга қўймасликларини илтимос қилди.

СССР халқ депутатлигига номзоди қўйилган Анатолий Козлов икки йилдирки Ленин район ижроия комитетининг ички ишлар бўлими бошлиғининг оператив ишлар бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келади. Анатолий Степанович шу давр ичида жиноий қидирув ишлари, БХСС хизмати, участка инспекторларининг ишини жонлантирди, уларни жиноятчиликнинг олдини олишга сафарбар қила олди.

Ишчи синфининг яна бир вакили Е. А. Маршаловдир. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Евгений Маршалов СССР халқ депутатлигига Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг меҳнат коллективи томонидан кўрсатилган.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг меҳнат коллективи эса ўз раҳбари Николай Белокуровни СССР халқ депутатлигига муносиб деб топди.

Ҳарбий хизматчи В. Г. Шканакин ҳарбий коллективдан ташқари районнинг 15 меҳнат коллективи томонидан СССР халқ депутатлигига номзоди кўрсатилган.

14-ихтисослашган ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси И. И. Шамайко ўз меҳнат коллективининг йиғилишида СССР халқ депутатлигига номзод деб топилди...

Маълумки, номзодлар бирин-кетин ўз программалари билан йиғилганларни таништиришда давом этардилар. Бироқ уларнинг ҳаммаси ўз программалари билан таништиришни ниҳояламай танаффус бўлиб қолди.

Зал фойесида сайловчиларнинг ўзаро баҳси қизғин тус олган, тортишувлар авжига чиққан пайтда икки дугона баҳсига қўшилдик. Ўзларини Ольга Мальцева ва Вера Россиянская деб таништирган бу икки аёл Тошкент химия-фармацевтика заводининг хизматчилари экан. Улар Шканакин программасининг анча реаллигини, Козловники ҳам ундан қолишмаслигини таъкидлашди.

О. Мальцева: Шамайко сингари номзодлар платформасига шахсан мен қаршиман.

В. Россиянская: Ҳа, ҳа. Бу демагогликдан бошқа нарса эмас. Белокуровнинг программасида ҳаётий реалликни кўра олмадим. Степаненконинг программаси амалга ошиши учун камида 15 йил муддат керак бўлади. Очиғи, бугунги йиғилишга ўзимизни мажбур қилиб, зўрға келган эдик. Чунки илгариги сайлашларни билардик-да. Йўқ, буниси тамоман бошқача сайлаш. Энди келганимизга рости, хурсанд бўлдик.

О. Мальцева: Ҳар ҳолда ўзгаришни яна бир карра ўз кўзимиз билан кўриб, хурсанд бўлдик.

Кўксига комсомол нишонини тақиб олган ёшгина, истарали қиз «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Гулчеҳра Мирсаидова экан.

— Мен ҳаётимда илк бор бундай анжуманда иштирок этяпман,— дейди Гулчеҳра. — Нима учунлигини билмадиму аммо менга программаси билан чиққан номзодларнинг бирортаси ёқмади.

— Эҳтимол, қолганлари ҳам ёқмас. Умуман сиз депутатни қандай тасаввур қиласиз?

— Депутатлар орасида кўпроқ комсомоллар бўлишини истардим. Шунинг учун номзодликка даъвогар 14 кишининг ичида Андрей Емельяновнинг программасини маъқуллайман.

Эҳтимол, улар ҳақдир. Йиғилиш ўз ишида давом этди.

507-территориал сайлов комиссиясининг аъзоси Галина Павловна Медведева суҳбатимизга қўшилди:

— Гулчеҳранинг фикрига мен ҳам тўла қўшиламан. Тўғри, Андрей ёш. Лекин унинг программаси аниқ ва реал. Ҳатто муддатлари билан кўрсатилган. Ҳозир меҳнаткаш учун шуниси муҳим.

Яна шундай номзодлардан электрон-техника заводининг ишчиси И. В. Ежкова номзодлар орасида ёлғиз аёл эди. Корхона фахри, беш йилликлар илғори Ирина Вальфрамовна СССР халқ депутатлигига номзодини кўрсатганлари учун электрон-техника заводи коллективига миннатдорчилигини билдириб, ўз номзодини қайтиб олишини сўради.

Мазкур корхонанинг яна бир ишчиси Виталий Рижков номзоди ҳам СССР халқ депутатлигига тавсия этилади. У меҳнат зарбдори, ишлаб чиқариш илғори.

Ҳамза райони медицина ходимлари СССР халқ депутатлигига 8-сил касалликлари диспансери рентген кабинетининг мудири Абдувоит Тошхўжаев номзодини кўрсатдилар. СССР халқ депутатлигига номзод қилиб яна кўприк ва темир бетон конструкциялари экспериментал заводидан Дилявер Менджиев ҳамда электрон-техника заводи ишчиси Эркин Тожибоев ҳам кўрсатилган эди.

Халқ депутатлигига номзоди кўрсатилаётган номзодлар орасида энг ёши — 27 ёшли Андрей Емельяновдир. Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент бўлимидаги иш фаолияти 5 йил бўлишига қарамай, «Ўзбекистон» станциясини бошқариб келмоқда.

Меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганлиги ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун А. Б. Емельянов Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлган.

Подполковник Михаил Тильман ҳарбий хизматчилар йиғилишида СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Депутатликка даъвогар бўлиб қолган 12 номзоднинг ишончли вакиллари ҳам сўз олдилар. Савол-жавоб муҳокамасига ўтишдан аввал эксперт группасининг (мажлис аввалида юрист, иқтисодчилардан тузилган 5 кишилик эксперт группа) фикри эшитилди. Группа Анатолий Степанович Козлов программасини бутунлай рад этди.

Муаммолар кўлами ҳар соҳада шу қадар кўпки, сайловчилар кўрсатилаётган номзодларни саволлар билан кўмиб ташлашдан тоймасдилар. Аммо тартиб-тартибда, регламентдан чиқишнинг имкони йўқ.

— Ўртоқ Степаненко,— деб мурожаат қилади Ефимова. — Программангиздан маълум бўлишича районда касалхоналар қурилишига эътиборни қаратгансиз. Аммо бу ишларни нима учун шаҳар Советига депутатлик вақтингизда амалга оширмадингиз?

— «Ғалабанинг 40 йиллиги» кўчасида касалхона қурилиши давом этяпти.

— Илгари сураётган планларингизнинг реал тарзда амалга ошиши мумкинлигига ишонасизми?

— Сўзсиз,— дейди Емельянов ўзига қаратилган бу саволга. — Муҳими, очиқ муҳокама ва ошкораликдан қўрқмаслик керак. Районимизда 4 минг ветеран яшайди. Уларнинг ҳолидан хабар оляпмизми? Мен улар ҳузурида бўлиб тураман. Айтишларича, халқ депутатлари фақат сайлангунларича бориб турар эканлар. Ёки ёшларнинг бўш вақтини ташкил этишни олинг. Яхши эмас. Бекорчиликдан қанчадан-қанча ёшлар ичкиликка берилиб, чайқовчилик билан шуғулланмоқдалар. Бир пайтлар революцион воқеаларнинг шоҳиди бўлган Гайдар ва Сапёрлар кўчаларининг ҳозирги аҳволи эса ачинарли...

Сайловчилар В. Г. Шканакиндан кўпроқ «Сиз ҳарбий хизматчисиз, меҳнаткашлар наказини бажариш учун қачон вақт топасиз?» деб сўрашди. Бунга ишончли вакил жавоб беришни лозим топди.

— Одамлар Владимир Геннадьевич қабулига ёзилиш учун ёрдам сўрашади,— дейди вакил, 225-мактаб ўқитувчиси Л. Кондратьева. — Чунки районимизда 7 нафар халқ депутати бор бўлса, фақат Шканакингина депутат сифатида тан олинади. Масалан, Тошкент упа-элик фабрикаси маъмурияти Шканакинга ўз маблағлари асосида қурилаётган уй ижроия комитети томонидан ҳал қилинмаётганини билдириб, ёрдам сўраганди. Владимир Геннадьевич тегишли идораларга тўхтовсиз мурожаат қилгандан сўнг, 46 та квартирадан фақат 6 тасигина ушбу фабрикага тегди. Ишнинг кетидан қувиш яна давом этади. Юқори органларгача мурожаат қилади. 1986 йилнинг августидан 1987 йилнинг февралигача чўзилган бу иш фабрика ишчилари фойдасига ҳал бўлди.

Иш регламенти тугаётган бўлишига қарамай, саволлар оқимининг ниҳояси йўқ эди. Шунингдек, йиғилганларни яна бир нарса — бугун ким кўп овоз билан ғолиб чиқиши қизиқтирарди. Мана, шу дақиқалар ҳам етиб келди. Сайловчилар очиқ овоз бериш йўли билан номзодларини сайладилар. Ниҳоят, энг кўп — 124 кишининг овози ҳарбий хизматчи Владимир Геннадьевич Шканакинга берилди.

Йиғилиш сўнгида В. Г. Шканакиннинг номзоди ўтганлиги билан қутлаб, унга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилдик.

— Владимир Геннадьевич, халқ депутати бўлишга хоҳиш билдиришингизнинг боиси нимада?

— Энг аввало, ҳаётимизда бўлаётган туб ўзгаришлар ва уларда Советларнинг роли ошиб бораётганини кўриб, рози бўлдим. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сифатида чиқарган хулосаларимнинг ўзи мен илгари сурмоқчи бўлган программалар тез ва оз вақтда ҳал қилинишини кўрсатмоқда.

— Платформангизда уй-жой, озиқ-овқат, транспорт каби масалалар қаторида экология, аёллар ҳуқуқи муаммоларига кенг ўрин берибсиз...

—Мурожаат қилувчиларнинг 90 фоизи уй-жой масаласи бўйича келишади. Менимча, уй-жой қурилишини кучайтириш керак. Рентабелсиз корхоналарни ижарага бериш лозим. Озиқ-овқат программасини бажариш — муҳим иш. Болали аёллар ва оналар меҳнатини муҳофаза қилишни кучайтириш лозим. Умуман, программадан жой олган барча бандлар депутатлик фаолиятимда сўзсиз амалга ошади, деган умиддаман...

Бир сўз билан айтганда, Ленин ва Ҳамза райони меҳнаткашлари депутатликка даъвогарлар орасидан муносибларнинг энг муносибини СССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатганликларига шак-шубҳа йўқ.

Ф. ҲУСАНОВА,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

СУРАТЛАРДА: учрашувдан лавҳалар.

Р. Шарипов фотолари.



















⊙ Тошкент хўжалик-маиший буюмлар тажриба заводи гальваниги Надежда АЛЕШИНА.

**Замондошимиз**



Т. Каримов фотоси.

## МИНИСТР БИЛАН МУЛОҚОТ

Маълумки, «Тошкент оқшоми» газетаси Янги йилдан бошлаб ўз саҳифаларига «Министр билан мулоқот» деган янги рубрикани олиб чиқди. Редакция почтаси ана шу янги рубрика оқшомхонларга манзур бўлганлигидан далолат бериб турибди. Улар ҳал этилиши лозим бўлган, ижтимоий аҳамиятга молик проблемалар юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазалари битилган мактубларни «Оқшом» редакциясига йўлламоқдалар.

Февраль ойида келаётган кўпчилик хатлар Ўзбекистон ССР маданият министри Ў. Р. Умарбеков билан бўладиган сиртқи учрашувга бағишланган. Бу мактубларда газетхонлар Тошкент шаҳридаги маданият муассасалари, умуман маданий ҳаётимизга оид бўлган ўз маслаҳатлари, фикр ва мулоҳазалари, саволлари, таклиф ва истакларини баён этганлар. Бугун ана шу хатлардан айримларини оқшомхонлар диққатига ҳавола этмоқдамиз.

### Талантларни топиш керак

**Ҳурматли министримиздан бир илтимосим бор.**

**Республикамизнинг барча область ва районларида қозоқ миллатига мансуб кишилар яшаб, меҳнат қилишаяпти. Биз пахта, пилла, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга озми-кўпми ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз.**

**Ўзбекистоннинг турли жойларида қозоқ миллатидаги ҳаваскор шоирлар, бастакор ва созандалар кўплаб топилади. Шулар орасида конкурс эълон қилиниб, ижоди газета, радио ва телевидение орқали бериб борилса жуда соз бўларди.**

**Салом билан, Тошкент область, Оққўрғон район, Ленинизм колхозида яшовчи:**

**Балатай СОДИҚОВ.**

### Фильмлар ўзбек тилида яратилса

**«Ўзбекфильм» киностудиясида ишланаётган фильмлар томошабинга ўзбек тилида етказилгунча кўп вақт ўтиб кетаяпти. Янги фильм экранга чиққандан кейин, ўзбек тилига дубляж қилинишининг ўзи ажабланарли ҳол.**

**Телевидениеда сўзга чиққан бир режиссёр «Агар фильмларимизни Бутуниттифоқ ёки жаҳон экранига олиб чиқмоқчи бўлсак, уларни рус тилида яратишимиз керак», деган эди. Мен бу фикрга қўшила олмайман. Чунки, чинакам санъат асари қайси тилда бўлишига қарамай, доимо ўз ўрнини топади. Масалан, Рига ва Грузия киностудиялари, шунингдек Италия, Францияда ишланган флиьмлар кўпинча бошқа тилларга дубляж қилинади.**

**«Ўзбекфильм» киностудияси фильмларни миллий тилда яратиб, аввало ўзбек томошабинларининг маданий дам олишига хизмат қилиши керак, деб ўйлайман. Бунга сиз нима дейсиз, Ўлмас Раҳимович!**

**Шуҳрат ТОЖИБОЕВ.**

### «Ассалому алайкум»ни томоша қилиб...

**«Зангори экран» орқали намойиш этилаётган республика программасида ғарб санъати, хусусан музикасига тақлид қилиш кўпайиб кетмадимикан! «Ассалому алайкум» кўрсатувида ҳам баъзан тушуниб бўлмайдиган ва ёқимсиз ҳаракатлар, қулоқни қоматга келтирувчи музикалар берилмоқда. Мен янгиликка асло қарши эмасман. Лекин тайёрланаётган программа ранг-баранг, кўпчиликка маъқул бўлиши лозим.**

**Ҳурматли министримиздан «Ассалому алайкум» кўрсатуви ҳақида яна бир бор мулоҳаза юритишни илтимос қилардим.**

**Баҳодир УМАРОВ.**

### Тўйлар мазмунли ўтсин

**«Тошкент оқшоми» газетаси ташкил қилган бу мулоқотдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, бир масала хусусида тўхталмоқчиман.**

**Тўйларимиз тўғрисида кўп фикрлар билдирилмоқда. Маълумки, унинг қандай ўтиши асосан ўртани олиб бораётган кишига боғлиқ. Микрофон идеологиямизни, социалистик турмуш тарзи ва илмий дунёқарашни ташвиқот қиладиган зўр воситадир. Шу боис ундан оқилона фойдаланиш керак.**

**Бир хонадонда ўтган тўй диний сўзлар билан бошланиб, соат 3 гача давом этди. Радио-карнайлар туни билан қишлоқ аҳлини ухлатмади ҳисоби. Тўйни олиб боришда гап кўп. Шундай экан, микрофонни тасодифий «нотиқ»лар қўлига бериш ярамайди.**

**Бу ишга ўқитувчилар, лекторлар, олимларни жалб қилиш зарур. Даврани олиб борувчиларни тайёрловчи курслар ташкил этилса қандай бўларкин!**

**Убайдулла БОЗОРОВ.**

### «Наврўз»ни қандай нишонлаймиз?

**Ҳурматли Ўлмас Раҳимович!**

**Ҳар йили январь ойининг бошларида Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда анъанавий «Рус қиши» («Русская зима») байрами бўлиб ўтади. 1987 йил, ёз фаслида эса ҳинд халқи ўзининг миллий байрами — «Утсав»ни ўтказди.**

**«Наврўз» байрамини ҳам шу ерда нишонлашни анъанага айлантирса бўлмайдими!**

**Ҳасан ШУКУРОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН УЧУВЧИЛАРИГА АФҒОНИСТОН МУКОФОТИ

14 февраль куни граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг йигирма беш учувчиси, штурмани, борт инженерига Афғонистон Республикасининг юксак мукофоти «Савр инқилобининг ўн йиллиги» медали топширилди.

Улар тўққиз йил давомида Афғонистонга турли хизмат рейсларини амалга оширдилар. Мураккаб географик ва иқлим шароитида, актив жанговар ҳаракатлар даврида ТУ—154 граждан машиналарида учишга тўғри келди. Вазият маҳорат, мардлик ва матонат кўрсатиб, белгиланган режимда ишлашга мажбур қиларди. Ҳамма учиш топшириқлари тўла хавфсизлик таъминланган ҳолда сифатли ва намунали бажарилди.

Афғонистон Республикасининг Тошкентдаги бош консулхонаси биринчи секретари Муҳаммад Омон тантанали вазиятда топширган юксак мукофот Ўзбекистон учувчиларининг хизматлари эътироф этилганлиги ифодаси, фидокорона меҳнат учун авиаторларга миннатдорчилик белгиси бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

